Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 41 (4736)
19 ФЕВРАЛЬ 1982 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КОММУНИСТЛАРНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

Шаҳар ва район партия комитетлари биринчи секретарларининг семинари Тошкентда уч кун давом этди. Семинар «КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари. Коммунистларнинг авангардлик ролини оширайлик, ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятининг барча соҳаларида уларнинг активлигини ривожлантирайлик» деган мавзуга бағишланди.

Семинар қатнашчилари иккинчи ва учинчи иш кунлари Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимовнинг «КПСС XXVI съезди мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисида ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг баъзи масалалари» тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Л. Н. Мелкумовнинг «Ҳозирги идеология кураши ва совет кишиларининг ҳушёрлигини ошириш» тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқовнинг «Республикада илм-фанни ривожлантиришнинг КПСС XXVI съезди қарорларидан келиб чиқадиган актуал вазифалари» тўғрисидаги, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети оғир саноат ва машинасозлик бўлимининг мудири Ғ. Ҳ. Қодировнинг «КПСС XXVI съезди саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини янада ошириш, ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона фойдаланиш, барча турдаги ресурсларни тежаш ва сифатни яхшилаш тўғрисида»ги докладларини тингладилар.

Семинарда партия комитетларининг иш тажрибаси кенг кўламда баҳам кўрилди.

Докладларда партия комитетлари фаолиятининг турли томонлари тилга олинди. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорлари асосида партия раҳбарлиги ғайрат-шижоатли ва малакали бўлиши кераклиги таъкидлаб ўтилган. Ўртоқ Л. И. Брежнев уқтириб ўтганидек, партия ташкилотлари ўз участкаларидаги резервларнинг ҳаммасидан фойдаланишлари шарт. Вазифа — партия раҳбарлигини хўжалик қурилиши билан тўғри қўшиб олиб боришдан иборатдир. Бу — санъатдир. Шунинг учун ҳам партия ишида шу санъатни ўрганиш керак.

Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари М. К. Каримов, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари П. А. Юсупов, Ғиждувон район партия комитетининг биринчи секретари С. Раҳимов, Ғалаба район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Ш. Хадралиев, Қорақўзак район партия комитетининг биринчи секретари С. К. Канязов, Қарши район партия комитетининг биринчи секретари И. А. Очилов коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлигини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида, партия ташкилотларининг саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақани тобора авж олдириш борасидаги фаолияти ҳақида гапирдилар.

Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Ҳамидов, Урганч шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. А. Раҳмонов, Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Чурсин, Ленин йўли район партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Эргашевнинг нутқларида ёш коммунистларни тарбиялаш, хатлар ва аризаларни кўриб чиқиш, граждапларни қабул қилишни ташкил этиш, бошланғич партия ташкилотларининг илғор тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва жорий этиш практикаси масалалари ёритиб берилди.

Каттақўрғон район партия комитетининг биринчи секретари И. Туропов, Киров район партия комитетининг биринчи секретари С. Марасулов, Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари З. Н. Абдураҳимов ўз нутқларида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш, турмуш маданиятини юксалтириш, коммунистик меҳнат ва намунали жамоат тартиби учун мусобақани ривожлантириш, аҳолига савдо ва маиший хизматни яхшилаш масалаларига тўхталиб ўтдилар.

Семинар иштирокчилари халқ хўжалиги ва маданиятнинг барча тармоқларида коммунистларнинг активлигини ривожлантириш соҳасида партия комитетлари ишининг аҳволини чуқур анализ қилдилар. Нутқларда партия ташкилотлари КПСС аъзолари ҳамда аъзоликка кандидатларининг меҳнат ва ижодий ташаббускорлигини ўзининг иш малакасини такомиллаштиришга йўллаб туришлари, уларни топширилган иш учун Ватан ва партия олдидаги масъулиятни юксак даражада ҳис этиш руҳида тарбиялашлари шарт эканлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳар бир коммунист ўзининг ғоявий, маънавий ва профессионал савиясини ошириш устида оғир ва собитқадам иш олиб бориши, коллективда намуна бўлиши лозим. Партия комитетлари ўз куч-ғайратларини шу мақсадга қаратиб, унга партия иши форма ва методларининг бутун бой воситаларини жалб этишлари керак.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ўз нутқида семинарга якун ясади.

(ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚҚА — САМАРАЛИ ЁРДАМ

Бугун Тошкентда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойи ўтмоқда

ШАРТНОМАГА БИНОАН

Заводимиз коллективининг Жиззах область Зарбдор районидаги «Ударник» совхози деҳқонлари билан ҳамкорлик қилаётганига саккиз йил бўлди. Албатта, бу оз муддат эмас. Бу йиллар давомида кўрикдаги хўжалик мустаҳкамланди. Корхонамиз бу борада хўжаликка катта ёрдам берди.

Ҳар йили зарбдорликлар билан шартнома тузилади. Ушбу шартнома керакли барча нарсаларни ўз ичига қамраб олади. Масалан, заводнинг оталиқдаги хўжаликка берган ёрдами ҳаммаси бўлиб 7300 сўмни ташкил этади. Биз уларни металл, ёғоч материаллар ҳамда хилма-хил асбоблар билан мунтазам таъминлаб турамиз, дала дастгоҳларини таъмирлашга ёрдам бераниз. Аммо энг муҳими, бу — деҳқонларга қишлоқ хўжалиги техникасини ремонт қилишда берган ёрдамимиздир.

Совхоз асосан ғалла етиштириб беради. Йилда икки марта экиш ва йиғиш мавсумида биз қишлоққа ўз слесарларимиз ва кўчма устахонамизни юборамиз. Шунингдек, комбайнлар ремонти, мураккаб жиҳозли ғаллани қабул қилиш механизацияси таъмирига яқиндан ёрдам берамиз.

Март ойида экиш мавсуми бошланади. Биз кўчма устахонамизни тахт қилиб қўямиз. Яқин кунларда бу кўчма устахона «Ударник» совхози далалари томон йўлга чиқади.

А. ТОШМАТОВ,
асбобсозлик заводи директори.

Пойтахтимиздаги «Узбексельмаш» заводида кўплаб ўз касбининг усталари меҳнат қилади. Ана шундай илғор ишчилардан бири Ю. Ильяхиндир. Пешқадам ишчи кунлик план-топшириқларини 150 процентдан бажариб, фақат юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришмоқда.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори Ю. Ильяхин.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ ОММАВИЙ БЎЛСИН!

Совет кишисининг, янги дунё бунёдкорининг соғлиғи, унинг ҳар томонлама жисмоний камол топиши — жамиятимизнинг энг олий бойлигидир, Леонид Ильич Брежнев КПСС XXVI съездида қилган докладида «Физкультура ҳаёт табақаларининг кундалик ҳаётига сингиб кетиши керак...» деди. Республика партия активининг 18 февралда бўлиб ўтган йиғилиши мана шу кўп қиррали ишга бағишланди.

Республика партия активи йиғилишига область, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг идеология иши масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, халқ депутатлари Советлари область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг раислари, область, шаҳар ва район комсомол комитетларининг секретарлари, область халқ маорифи бўлимларининг мудирлари, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг физкультура ва спорт комитетининг, министрликлар, идораларнинг, катта саноат корхоналари, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, ўқув юртларининг раҳбарлари, область касаба союзлари Советларининг, физкультура ва спорт комитетларининг, кўнгилли спорт жамиятларининг, ДОСААФ ташкилотларининг раислари, етакчи тренер ва спортчилар таклиф қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нутқи сўзлаб йиғилишни очди.

У айтдики, партия ва давлатнинг бутун сиёсати халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини муттасил оширишга, совет кишиларининг турмуши кундан-кунга яхшиланиб боришига, меҳнаткаш инсоннинг улуғворлиги, унинг маънавий ва жисмоний камолоти ёрқинроқ намоён бўлишига қаратилгандир. Ана шу олижаноб вазифаларни ҳал этишда физкультура ва спорт муҳим ўрин эгаллайди. Бизда физкультура ва спорт меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг таркибий қисми бўлиб қолди, бу соҳага КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ҳамиша эътибор бериб келмоқда. Физкультура ва спортнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доимо аҳамият берилмоқда. Кейинги вақтларда кўпгина стадионлар, сузиш ҳавзалари, спорт заллари ва майдончалари ишга тушди. Дам олиш ва туризм зоналарини вужудга келтириш, аҳоли истиқомат қиладиган жойларда физкультура ва спорт билан шуғулланиш учун зарур шароитларни яратиш партия, совет, физкультура, жамоат ташкилотларининг фаолиятида алоҳида ўрин олмоқда. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларни жисмоний тарбиялашни яхшилашга самарали таъсир ўтказмоқда. Биз қўлга киритилган натижаларга объектив ва муносиб баҳо бериб, шу билан бирга партия таълим берганидек, ўз ишимизга танқидий ва талабчанлик билан ёндошишимиз, мавжуд камчилик ва нуқсонларни очиб ташлашимиз, резервларни қидириб топишимиз ва улардан астойдил фойдаланишимиз лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов «КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарори асосида республикада физкультура ва спорт ишини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида» доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Ю. П. Максимов, республика Физкультура ва спорт комитетининг раиси М. И. Иброҳимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри С. П. Пўлатов, Андижон область партия комитетининг секретари М. Ҳ. Муҳиддинов, Олимпиада чемпиони Э. М. Шагаев, Ўзбекистон ССР Маориф министри С. Ш. Шермуҳамедов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. П. Володарский, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раиси П. Қ. Қаюмов қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Оммавий физкультура ва спортни янада юксалтириш тўғрисида»ги қарори кўп йиллик жанговар иш программаси бўлиб қолганлиги докладда ва нутқларда айтиб ўтилди. Физкультура ва спорт — республика социал тараққиётининг ажралмас бир қисмидир. Қарийб беш ярим миллион киши — бутун аҳолининг учдан бир қисмидан кўпроғи оммавий физкультура ҳаракатида қатнашмоқда. Уларнинг ихтиёрида 160 та стадион, 3000 дан ортиқ зал, 250 та сузиш ҳавзаси, 2100 та мерганлик тирлари, 30 минга яқин спорт майдончалари ва футбол майдонлари бор.

Оммавийлик — маҳорат негизидир. Республикамизнинг 145 вакили спортнинг кўпчилик олимпиада турлари бўйича мамлакат терма командаларига кирган. Бултур Ўзбекистон спортчилари Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда 269 медаль, шу жумладан 93 олтин медаль олдилар.

Меҳнат коллективларида физкультура ҳаракати кенг кўламда ривожланмоқда. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида, Фарғона нефтни қайта ишлаш комбинатида физкультура ва спорт обрў топган. Поп, Косонсой, Тўрақўрғон, Тўрткўл районларида хўжаликлараро спорт клубларидан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Жамоатчилик ташаббуси тобора кенг қулоч ёйиб бормоқда.

Шу билан бирга физкультура ва спорт ҳаракатини ривожлантиришнинг барча резервлари ҳали ишга солинган деб бўлмайди. Масалан, ГТО нормативларини топшириш ҳали етарлича уюштирилмаган. Республика Спорт комитети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети, бир қанча министрликлар ва идоралар бу ишда тегишли матонат кўрсатмаяптилар.

Кейинги йилларда ўқувчи ёшларнинг жисмоний тарбиясини яхшилаш борасида баъзи ишлар қилинган бўлсада, бу ерда ҳали талайгина камчиликлар бор. Бир қанча мактабларда болалар синфдан ташқари спорт машғулотларига, бошланғич физкультура группаларига жалб этилмаган. Бир қанча олий мактаблар ва техникумларда моддий базани мустаҳкамлаш тўғрисида, студентларни спорт — соғломлаштириш тадбирларига жалб этиш тўғрисида жонкуярлик қилинмаяпти. Бу ғап ҳунар-техника таълими системасига ҳам тааллуқлидир.

Оммавий спорт ва катта спорт — муштарак ишнинг бир-бирини тўлдирувчи томонларидир, Ҳолбуки, республикада катта спорт даражаси бугунги талабларга ҳамон тўла мос келмайди. СССР халқларининг VII спартакиадасида спортчиларимиз 11 турда бундан аввалги спартакиадага нисбатан пастроқ натижа кўрсатдилар. Республиканинг бир қанча областларида юқори класс спортчилар тайёрлаш ишлари суст олиб борилмоқда. «Динамо» ва «Пахтакор» спорт жамиятлари бу борада ўз имкониятларидан фойдаланмаяпти.

Республикада болалар-ёшлар спорт мактабларининг сони кўпайиб, ҳозир 370 тадан ошиб кетди. Лекин бу мактабларнинг иш сифатини дуруст деб бўлмайди. Бу мактабларнинг моддий базаларини мустаҳкамлаш ва уларни моҳир спорт мутахассислари билан таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш лозим. Олий спорт маҳорати мактабларининг фаолияти тўғрисида ҳам аччиқ гапларни айтиш мумкин. Ўзбекистон Давлат физкультура институти ҳам илмий-методик иш марказини бўлиб қолгани йўқ.

Республикада спортнинг қишки турларини — тоғ чанғи, шайбали хоккей, коньки да фигурали учишни ривожлантириш учун анча ишлар қилинаяпти. Чимён, Янгиобод, Белдерсойда тоғ чанғи базалари, туристик меҳмонхоналар жадал суръатлар билан қурилмоқда. Бир қанча шаҳарларда сунъий яхмалаги бўлган майдонлар вужудга келтириш имкониятларини ўрганиб чиқиш лозим.

СССР халқларининг V қишки спартакиадаси, ёшларнинг III Бутуниттифоқ спорт ўйинлари, сўнгра СССР халқларининг VIII ёзги спартакиадаси Ўзбекистон спортчилари учун жиддий синов бўлади.

Физкультура ва спортнинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш идеология ишининг шу участкасига қилинадиган раҳбарлик даражасига бевосита боғлиқдир. Бир қанча шаҳарларда аҳолининг яшаш жойида физкультура— согломлаштириш тадбирларини ташкил этиш борасида тажриба ўтказилган бўлиб, шу тажрибани кенг ёйиш лозим.

Йиғилишда сўзга чиққан СССР Спорт комитетининг раиси С. П. Павлов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикада коммунизм актив бунёдкорларини ҳар томонлама тарбиялаш тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги туфайли меҳнаткашларни физкультура ва спортга жалб этишда каттагина муваффақиятларга эришилди, деди. Аммо мавжуд имкониятлардан ҳали тўла фойдаланилмаяпти. Ўзбекистон мамлакатнинг оммавий физкультура ҳаракатида, Совет Иттифоқининг терма командалари байроги остида спортда энг юксак натижаларга эришишда муносиб қатнашмоғи учун ҳамма шарт-шароитларга эга.

Муҳокама қилинган масала юзасидан республика партия активи йиғилиши тегишли резолюция қабул қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуратов, Л. Н. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, Н. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Қ. Қ. Камолов, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, КПСС Марказий Комитети секторининг мудири Н. В. Пилипенко, «Динамо» спорт жамияти Марказий Совети раисининг биринчи ўринбосари А. М. Латишев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ «ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ АСОСИДА РЕСПУБЛИКАДА ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТНИНГ АҲВОЛИ ҲАМДА УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Республика партия активининг йиғилиши «КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарори асосида республикада физкультура ва спортнинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимовнинг докладини тинглаб ва муҳокама этиб, шуни қайд қиладики, Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг совет кишилари моддий ва маданий турмуш даражасини ошириш, уларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги туфайли кейинги йилларда республикада меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашда, жисмоний чиниққан ва уйғун равишда камол топган совет кишисини вояга етказишда физкультура ва спортдан актив фойдаланиш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистон партия, совет, касаба союз, комсомол, физкультура, ДОСААФ ташкилотлари физкультура ҳаракатини янада ривожлантириш, спортчиларнинг маҳоратини ошириш, спортнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш соҳасида муайян иш қилдилар.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида республикадаги спортчилар анча кўпайиб, 5,4 миллион кишига етди, ГТО нишондорлари бир ярим баравар кўп тайёрланди, СССР спорт мастерлари икки ҳиссадан зиёд кўпайди.

Ўзбекистон спортчилари СССР халқлари VII ёзги спартакиадасида ва Москвадаги XXII Олимпиада ўйинларида аввалгидан кўра анча муваффақиятлироқ қатнашдилар.

Физкультура ҳаракатининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш юзасидан анча иш қилинди.

Шу билан бирга республикада физкультура-оммавий ва спорт ишининг савияси партия XXVI съездининг юксак талабларига, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарорига ҳали ҳам тўла-тўкис мос келмайди. Айрим партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик ва физкультура ташкилотлари бепосита меҳнат коллективларида, ўқув юртларида, меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида физкультура ва спортни ривожлантиришга, болалар ва ўспиринлар билан ишлашга дуруст эътибор бермаяптилар. Ишлаб чиқариш гимнастикаси кун режимига ҳамон суст жорий этилмоқда, аҳолининг кенг қатламлари ГТО комплекси нормативларини топширишга етарли жалб қилинмаяпти.

Физкультура ташкилотлари, ДОСААФ органлари, касаба союзларининг кўнгилли спорт жамиятлари ва идоралар спортнинг олимпиада турларини — енгил атлетика, гимнастика, сувда сузиш, эшкак эшишни, шунингдек оммавий футбол, теннис, волейболни, спортнинг ҳарбий-амалий турларини, фигурали учиш, хоккей, тоғ чанғисини янада ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан ҳали ҳам тўла тўкис фойдаланмаяптилар.

Мактаб ўқувчиларини, олий ўқув юртларининг студентларини жисмоний тарбиялаш иши ошиб бораётган талабларга ҳозиргача мос келмаяпти. Болалар-ўспиринлар мактабларининг, олий спорт маҳорати мактабларининг юксак малакали спортчилари тайёрлаш соҳасидаги фаолияти анча яхшиланиши керак.

Ҳамма областларда ҳам, айниқса аҳоли истиқомат қиладиган жойларда физкультура ва спортнинг моддий базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги иш лозим даражада олиб борилаяпти, деб бўлмайди. Бу соҳада кўпгина министрликлар ва идоралар етарли равишда ишламаяптилар. Совет, касаба союз ва хўжалик органлари шу мақсадда саноат корхоналарининг, колхоз ва совхозларнинг маблағларини бирлаштиришдан, ҳашар усулидан етарли равишда фойдаланмаяптилар. Бир қанча шаҳар ва районларда мавжуд спорт объектларидан ҳали ҳам ёмон фойдаланилмоқда.

Республика партия активининг йиғилиши область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети, министрликлар ва идоралар КПСС XXVI съезди қарорларига амал қилиб, оммавий физкультура ҳаракатини ривожлантиришга кўпроқ эътибор беришлари, кенг меҳнаткашлар оммасини Бутуниттифоқ ГТО комплекси нормативларини топширишга кенг жалб этиш юзасидан конкрет чоралар кўришлари зарур, деб ҳисоблайди. СССР халқларининг VIII спартакиадасига ва XXIII Олимпиада ўйинларига тайёргарликдан ҳар томонлама фойдаланиб, оммавий физкультура ҳаракатини янада юксалтириш, спортчиларнинг маҳоратини ошириш лозим.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Маориф министрлиги, ҳунар-техника таълими давлат комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети, Ўзбекистон ДОСААФи Марказий Комитети ўқувчилар ва студентларни жисмоний жиҳатдан тарбиялашни яхшилаш тадбирлари комплексини амалга оширишлари, ўқув-спорт базасини мустаҳкамлашни таъминлашлари, синфдан ташқари физкультура-спорт ишини кенгайтиришга алоҳида эътибор беришлари, болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, спорт профилидаги интернат-мактабларда оммавий мусобақаларни ва ўқув-машқ жараёнини ташкил этиш савиясини кўтаришлари, юқори классли спортчилар тайёрлаш ишларини яхшилашлари, ана шу проблемаларни ҳал этишда физкультура кадрларининг роли ва обрў-эътиборини бутун чоралар билан оширишлари лозим.

Партия, совет, касаба союз, комсомол, физкультура ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ва Мевасабзавот хўжалиги министрликлари, барча министрликлар ва идоралар қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини юксалтириш вазифаларини амалга ошириш вақтида физкультура ва спортдан тўлароқ фойдаланишлари, қишлоқ меҳнаткашларининг спорт билан шуғулланиши учун қулай шароитлар яратиб беришлари, шу мақсадда моддий базани мустаҳкамлашни, спортнинг оммавий турларини кенг ривожлантиришни, турли мусобақаларни мунтазам равишда ўтказиб туришни таъминлашлари лозим. Физкультура ва спортни ривожлантирувчи республика, область, шаҳар ва район комиссияларининг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш ва ёрдам бериш керак.

Партия активи йиғилиши партия комитетларининг диққат-эътиборини оммавий физкультура ва спортни ривожлантиришга раҳбарликни янада яхшилаш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, корхоналар, колхозлар, совхозлар, ўқув юртларида, аҳоли пунктларида стадионлар, сузиш ҳавзалари, спорт заллари, отиш тирлари, теннис кортлари, ГТО комплекс майдончалари ва шаҳарчаларини қуриш, мавжуд спорт иншоотларини реконструкция қилиш ва обдонлаштириш, бу иншоотларни замонавий спорт анжомлари билан жиҳозлаш зарурлигига қаратди.

Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари аҳоли истиқомат жойларида соғломлаштириш ва физкультура-оммавий ишларни ташкил қилиш ва уларни ўтказишга катта эътибор беришлари керак. Уй-жой массивлари ва кварталларни, шунингдек ўқув юртлари спорт объектларини қуришга оид ишларнинг барча комплекси бажарилган тақдирдагина фойдаланиш учун қабул қилинсин. Мавжуд спорт иншоотларидан самарали фойдаланишга, уларни оммавий дам олиш зонасига, турли ёшдаги кишиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш марказларига айлантиришга алоҳида аҳамият берилиши керак.

Касаба союз органлари оммавий физкультура ва спорт-соғломлаштириш ишини ҳар бир меҳнат коллективига активроқ жорий этишлари, у корхоналарни социал ривожлантириш планларининг таркибий қисмига айланишига, меҳнат унумдорлигини оширишга, ишчи ва хизматчиларнинг актив дам олиши учун шарт-шароитлар яратилишига ҳаракат қилишлари лозим.

Республика комсомол ташкилотларининг спортчиларни ғоявий-сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларда ватанпарварликни чуқур ҳис этиш, ўз коллективи, республикаси, мамлакатининг спорт шарафи учун масъулият сезиш ҳиссини шакллантириш соҳасидаги ишини яхши такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети ҳамда унинг жойлардаги органлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди талаблари асосида оммавий физкультура ва спорт ҳаракатига раҳбарлик услуби, форма ва методларини доимо такомиллаштириш лозим, СССР халқларининг VIII спартакиадасига ва XXIII Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш соҳасида физкультура ташкилотлари, кўнгилли спорт жамиятлари советларининг фаолиятини контроль қилишни кучайтиришлари керак. Физкультура ходимларининг малакасини ошириш ишини ва спортни ривожлантириш, Ўзбекистон спортчилари совет спортининг ютуқларига қўшаётган ҳиссини кўпайтириш учун уларнинг роли ва шахсий масъулиятини кўтариш зарур. Спортнинг олимпиада турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Республикада спортнинг қишки турлари учун тегишли моддий базанинг вужудга келтирилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Физкультура ва спорт комитети Госплан ва Молия министрлиги билан биргаликда Ўзбекистон Давлат физкультура институтида спортнинг ана шу турлари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган бўлими очиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқсин.

Республика партия активи йиғилиши Ўзбекистон ССР, партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик ва физкультура ташкилотлари, ДОСААФ органлари, спорт жамоатчилиги физкультура-оммавий ва спорт иши самарадорлиги ва сифатини ошириш учун, партия XXVI съезди талаблари ҳамда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисидаги қарори асосида республикада физкультура ҳаракатини юксалтириш учун ҳамма ишларни қиладилар, деб қатъий ишонч изҳор этади.

ТОШКЕНТ ГАЗЕТАЛАРИДА

△ Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан шу йил март ойининг биринчи ярмида амалий визит билан Совет Иттифоқига келади.

△ «Шахтёрларнинг муҳим вазифалари» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

△ 1982 йил 18 февралда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1339» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазонинг тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

„ЎРОҚ ВА БОЛҒА“ ИТТИФОҚИ МУСТАҲКАМЛАНСИН

Ҳаммамизнинг умумий ишимиз

Ю. ЧУРСИН,
Ленин район партия комитетининг биринчи секретари.

КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини изчил амалга ошира бориб, республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари беш йилликнинг тўнғич йилида катта меҳнат зафари қучдилар — об-ҳаво ниҳоятда қийин келган бир шароитда пахта, дон, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, хўл мева, узум, каноп ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштирдилар, ҳосил ўз вақтида йиғиб-териб олинди ва социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилди. Республика пахтакорлари яна юксак хирмон уйдилар: она-Ватанга олти миллион тоннадан зиёд юқори сифатли пахта етказиб бердилар.

Республика пахтакорларининг Осмонўпар пахта хирмонида Ленин райони меҳнаткашларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Эрта баҳордаёқ район ташкилотлари, завод ва фабрикаларнинг раҳбарлари ўз оталиқларидаги хўжаликда — Жиззах областининг Октябрь райони совхозларида бўлишди. Навбатда қилинадиган ишларни белгилаб олишди, қишлоқ меҳнаткашларига нималар зарурлигини аниқлашди. «Ташхимсельмаш», «Электроаппарат», В. И. Ленин номли электрон-техника заводи меҳнатчилари ана шу тадбирларда актив қатнашишди. Ўша кунларда хўжаликларда 60 автослесарь ишлади. У ерга ўнта юк машинаси, 9 та автолетучка юборилди. Улар ёрдамида 104 та трактор, 51 та автомашина, 135 прицеп, 74 та пахта териш агрегати, 90 дан зиёд сеялка, 18 та культиватор ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик техникаси ремонт қилинди ва мавсумга шайлаб қўйилди. Бундан ташқари 300 минг сўмликдан зиёд материал ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилди.

Районнинг ҳар бир корхонаси бу умумий ишга ўз ҳиссасини қўшишга интилди, партия ташкилотлари раҳбарлиги остида меҳнат коллективлари социалистик мусобақа ташаббускорлари — коммунистлардан ўрнак олиб, қишлоқ меҳнаткашларининг буюртмаларини бажариш учун зарбдорона ишладилар. Масалан, республика энергетика ва электрлаштириш министрлигининг ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси коллективи Собир Раҳимов номидаги 29-совхозда қозонхона ремонти учун зарур ускуналарни тайёрлаб берди. Бу ерга зарур ускуналар, пайвандлаш агрегатлари, автомашина жўнатилди. Охунбобоев номидаги совхозга оталиқ қилаётган Тошкент химия-фармацевтика заводи коллективи бўёқлар, шиша идишлар, дала шийпонлари, аптекалари учун дори-дармонлар юборди. 30—А совхозга 3-таксомотор паркининг меҳнатчилари техникани тайёрлашда катта ёрдам кўрсатишди. Улар 20 та пахта териш машинаси, пахтани ташиш учун 50 та прицеп, тўкилган пахтани терадиган агрегатлар ва кўсак чувиш машиналарини ремонт қилиб бердилар. Кўплаб миқдорда эҳтиёт қисмлар тайёрлашди. Ана шу хўжалик ҳайдовчилари қишлоқ механизаторлари билан биргаликда биринчилар қаторида машина теримини бошлаб беришди. Улар машиналарда ҳар куни хирмонга 5—6 тоннадан пахта тўкишди.

Теримнинг энг қизғин палласида районимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаатига лаббай деб жавоб бердилар. Районнинг 3500 дан зиёд меҳнатчиси Тошкент областининг Бекобод районида пахта йиғим-теримида қатнашиб, 2 минг 100 тоннадан зиёд «оқ олтин» териб беришди. 500 киши эса Жиззах областининг Зарбдор районидаги 11 совхоз пахтакорларига ёрдам беришди. Улар 140 тонна пахта териб беришди.

Сирдарё далаларида зарбдор комсомол отряди ишлади. Ёшларимиз Жиззах областининг Октябрь райони ва Тошкент областининг «Кўкорол» хўжалиги далаларида фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Районнинг 9700 студенти ва ўқувчилари бу ерда ўн минг тоннага яқин «оқ олтин» териб беришди.

Геология, алоқа министрликлари, «Узавторемонт» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ленин район ошхоналар трести, «Узавтотранстехник а» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўрта Осиё темир-йўл бошқармаси, Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти ва В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводлари, транспорт инженерлари, фармацевтика институтлари, Охунбобоев номидаги медицина билим юрти коллективлари юксак «оқ олтин» хирмони учун социалистик мусобақанинг олдинги сафида боришди. Оталиғимиздаги Октябрь райони областда биринчилар қатори йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. Бу ғалабада Ленин райони меҳнаткашларининг ҳиссаси катта бўлди.

Беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам кенг миқёсда оталиқ ёрдами кўрсатишни режалаганмиз. Масалан, қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиб бериш, дала шийпонларини тайёрлаш, зарур эҳтиёт қисмлар, ускуна ва дастгоҳлар етказиб бериш ана шулар жумласидандир. Қишлоқ меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатишга, оммавий-сиёсий ишларга алоҳида эътибор берилади. Оталиқдаги хўжаликлар ҳузурига «Билим» жамиятининг район ташкилоти лекторлари мунтазам бориб турадилар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб, ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказиш, колхоз-совхоз меҳнаткашлари билан район ижодий коллективларининг учрашувларини ташкил этиш мўлжалланган.

Ленин райони меҳнатчилари шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунадилар. «Ўроқ ва Болға» иттифоқи муттасил ва тобора мустаҳкамланиб бораверади.

Тошкентдаги Зайцев номли пахта селекцияси ва уруғчилик Ўрта Осиё илмий-текшириш институтида совет пахтачилиги учун тез пишар, серҳосил, касалликларга чидамли ва пишиқ толали янги пахта навларини яратиш борасида кенг кўламда илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Сиз мана бу фотолавҳада шу институтнинг бир группа илмий ходимларини илмий экспериментал таянч базаси хўжалигида илмий тадқиқот тажрибаси ўтказиш жараёнида кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

ТАКСИЧИЛАР— «ЗАНГОРИ КЕМА» ШТУРВАЛИДА

Ҳар йили дала меҳнаткашлари билан бир қаторда шаҳримизнинг корхона ва ташкилотлари меҳнаткашлари, олий ўқув юрти ва техникум студентлари, уларнинг касблари қандай бўлишидан қатъий назар пахта далаларида жонбозлик кўрсатиб, «оқ олтин»ни ўз вақтида йиғиштириб олишда пахтакорларимизга яқиндан ёрдам беришади.

«Главташпассавтотранс» бошқармасига қарашли 3-таксомотор парки коллективи мана ўн йилдирки, Жиззах областидаги Октябрь районининг Охунбобоев номли совхозида дала меҳнаткашларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Ҳар йили автопарк оталиқларидаги совхозга фақат эҳтиёт қисмлар билангина ёрдам бермасдан бу совхозга тажрибали слесарлар, электрпайвандчиларни юборади. Бу оталиқ ёрдами «Зангори кема»ларни ўз вақтида пахта йиғим-теримига тахт қилиб қўйишни таъминлайди.

Пахта терими бошланган вақтда таксопаркнинг энг илғор шоферларидан бир группаси оталиқларидаги совхоз далаларига йўл олишади. Дала меҳнаткашлари шаҳарликларни кенг қучоқ очиб кутиб олишади. Бу комплекс бригада аъзоларини совхоздагилар номма-ном билишади. Механизаторлардан Бахтиёр Мирёқубов, Анатолий Резниковлар ўтган йилги мавсумда рекорд миқдорда «оқ олтин» теришди. Слесарлардан Николай Верченко, Юрий Яковлев, Геннадий Гончаровлар эса бузилиб қолган комбайнларни, подбор, кўрак тозалайдиган машиналарни тезда тузатишиб, кўпчилик олқишига сазовор бўлишди.

Охунбобоев номли совхоз меҳнаткашлари ўтган йили она-Ватан хирмонига 9 минг 900 тонна «оқ олтин» топширишди. Бунда таксопарк комплекс бригадаси азаматларининг ҳам ҳиссаси бор.

«Ўроқ ва Болға» иттифоқи йилдан-йилга янада мустаҳкамланиб бормоқда. Яқинда 3-таксомотор парки коллективи Охунбобоев номли совхоз билан ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили учун шартнома тузди. Транспортчилар пахта терими бошлангунга қадар йигирмата «Зангори кема»ни ремонтдан чиқаришиб, тахт қилиб қўйиш, ўнта подбор ва кўрак тозалайдиган машиналарни ремонт қилиб бериш билан бирга совхоздаги устахоналарни жиҳозлар билан таъминлаб, ўн минг сўмлик эҳтиёт қисмлар жўнатишади. Таксопаркнинг энг илғор шоферларидан механизаторлар бригадаси ташкил этилиб, улар 1750 тонна пахта териб беришади.

Тоҳир Мадраимов «Узбексельмаш» заводига ишга Совет Армияси сафига хизматга чақирилмасдан аввал келганди. У йигитлик бурчини бажаргач, яна қадрдон корхонасига қайтди. Ҳозир у сеялкалар йиғиладиган 4-цехда слесарь-йиғувчи бўлиб ишлаб, смена топшириқларини 125 процентга етказиб адо этяпти.

СУРАТДА: Т. Мадраимов.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Қишлоққа—самарали ёрдам

МЕХАНИЗАТОРЛАР УЧУН КУРСЛАР

«Ташсельмаш» заводи пахта териш машиналари конструкцияларини мунтазам такомиллаштириб боради. Ана шундай комбайнлардан биринчиси ишлаб чиқарилган кундан буён терим агрегатларининг 14 хили яратилди. Ҳар йили завод бош конвейеридан 4—5 маркада машиналар чиқади.

Ҳар бир терим мавсумида колхоз ва совхозлар янги маркадаги машиналарни олишади. Ипак пахтани териш учун мўлжалланган машиналар, уруғлик навларини терадиган ёки такомиллашган конструкциядаги машиналар шулар жумласидандир. Подбор терадиган, бункерида зичлагичи бўлган машиналар янада такомиллаштирилгандир.

Ана шундай техник тараққиёт натижасида такомиллаштирилган ва янги терим агрегатларини ўрганиш бўйича завод базасида доимий курслар ташкил этиш эҳтиёжи туғилди. Бу йил ана шу курслар фаолиятига ўн йил тўлади. Бу курсларда механизатор ва инженер-техник ходимлар тайёргарлик олиб борадилар. Ўн йил давомида колхоз ва совхозлардан келган 4 мингга яқин қишлоқ хўжалиги мутахассислари малака оширишди. Бу ерга мамлакатимизнинг пахта экувчи барча республикалари вакиллари ҳам ташриф буюриб туришади. Техник ўқув бўлимининг синфларида заводнинг тажрибали мутахассислари, терим машиналари конструкторлари тингловчиларга назарий билим берадилар. Амалий машғулотлар йиғув цехининг бош конвейерида олиб борилади. «Терим агрегатлари эксплуатацияси вақтида техник хизмат», «Янги терим машинаси тузилишининг муҳим томонлари» сингари лекцияларни бош конструкторлик бюросининг бошлиғи М. Зефф ва бош конструктор ўринбосари Н. Турашевлар ўқишади.

Бугунги кунда фақатгина механизатор ва қишлоқ инженерлари малакасини ошириш камлик қилади. «Ташсельмаш»га қишлоқ техника ишлаб чиқариш билим юртлари ўқитувчилари ҳам малака ошириш учун қадам ранжида қилишаяпти. Чунки, замонавий пахта териш техникаси тобора такомиллашмоқда.

— Ўтган йилги терим мавсумида область далаларида «ХНП—1,8» маркали янги терим агрегатлари ишлади. Жуда яхши машина. Бу йил ана шундай машиналарни бизнинг ўқувчиларимиз бошқаришади, — дейди Бухоро областидаги 12-билим юрти ўқитувчиси Ахтам Султонов. — Ўқувчилар билан ана шу мураккаб терим комбайнининг механизмини ўрганиш учун энг аввал кишининг ўзи унинг тузилишини яхши билиши керак. Заводдаги курсга мен шунинг учун келдим. «Зангори кема»лар тайёрланадиган корхонага келиш менинг ўқитувчилик тажрибамни янада ошириб юборди.

— Бухоро областида йил сайин машиналарда кўп пахта терилмоқда, деб давом этади Султоновнинг ҳамшаҳари, 29-билим юрти ўқитувчиси Иброҳим Муродов. — Техникадан самарали фойдаланиш унга оқилона техник муносабатда бўлиш билан боғлиқдир. Завод бизга янги техникани ўрганишда ҳам катта ёрдам берди. Ёшларни ана шу янги техникадан самарали фойдаланишга ўргатиш эса бизнинг бурчимиздир.

Р. БЕССОНОВА.

«Оталиқ ёрдами шундай бўлса»

Қурултой арафасида мухбиримиз қатор ижодий ташкилотларнинг раҳбарларига мурожаат этиб, қишлоқ меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб беришни сўради.

М. ҚОРИЕВ,
«Ўзбекконцерт» директори ўринбосари.

— Кўп йиллардан бери «Ўзбекконцерт» қишлоқ меҳнаткашларига планли равишда хизмат кўрсатмоқда. Бу иш, айниқса терим мавсумида активлашмоқда. Қишлоқ маданият уйлари ва клубларида, дала шийпонларида ва фақат республикамизнинг, балки мамлакатимизнинг ҳам етакчи ижодий коллективлари концертлар қўйиб беришяпти.

Жумладан, яқинда ташкилотимиз н и н г «ижодий йўлланмалари» бўйича «оқ олтин» усталари ҳузурида «Ялла», «Наво», «Наврўз», «Садо» вокал-чолғу ансамбллари, шунингдек Белоруссиядан «Вераси» группаси ҳамда Украина ССР халқ артисти София Ротарунинг чиқишлари бўлди. Яқин кунларда РСФСРдан келган қатор вокал-чолғу группалари қишлоқ меҳнаткашларининг меҳмонлари бўлишади. Улар учун «Ўзбекконцерт» ижодий группалари ҳам янги программалар тайёрлашмоқда.

Р. ОРИПОВ,
Ўзбекистон театр жамияти президиумининг масъул секретари.

— Ўзбекистон ССР театр жамияти Тошкент областининг Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози билан ижодий ҳамкорлик ҳақида шартнома имзолаган. Ана шу шартномага мувофиқ ҳозиргача пойтахт театрларининг ўнлаб артистлари қишлоқ меҳнатчилари ҳузурида бўлишди. СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Сора Эшонтўраева, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Р. Иброҳимова ва И. Йўлдошев республикамизда маданият ва санъатнинг ривожланиши, ўз ижодий режалари ҳақида сўзлаб беришди. Қишлоқ маданият уйида янги спектакллардан парчалар кўрсатилди. Деҳқонлар ҳузурида А. Навоий номидаги театр солистлари, «Баҳор» ансамбли ва бошқа ижодий коллективларнинг вакиллари бўлишди.

С. ЛЕЙКИНА,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, М. Горький номидаги республика рус академик драма театри директори.

— Биз Тошкент областининг Янгийўл районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми билан ижодий ҳамкорлик шартномаси тузганмиз. Театр репертуарида биронта спектакль йўқки, биз уни ўз оталиғимиздагиларга кўрсатмаган бўлсак.

Ҳозир биз Совет давлати ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган концерт программасини тайёрламоқдамиз. Унинг дастлабки томошабинлари оталиқдаги совхознинг меҳнатчилари бўлишади.

Г. ХАБАК,
Тошкент цирки директорининг ўринбосари.

— «Саҳнада цирк»нинг бошқа ижодий коллективлардан фарқли равишда жойларга чиқиш имкониятлари кам. Бироқ қишлоқ меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш ишидан четда турмаймиз. Шу боисдан совет цирки етакчи усталарининг томошаларига республикамиз қишлоқ меҳнаткашларини мунтазам таклиф этяпмиз.

Айни бугун Тошкент областининг Орджоникидзе ва Калинин районлари меҳнатчилари «Атлет ва шер» цирк аттракциони ҳамда Москва цирки артистларининг бошқа томошаларини кўришга келишади.

Қишлоқ меҳнатчиларининг ўзлари шаҳар ижодий коллективларининг оталиқ ишини қандай баҳолашади? Ушбу саволга жавоб беради:

Турсуной ОХУНОВА,
икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

— Тошкент ижодий коллективлари бизнинг колхозимизга тез-тез келиб туришади. Энг муҳими шундаки, улар фақат томоша кўрсатибгина қолмасдан, балки қишлоқ меҳнатчиларини республикамиз маданий ҳаётининг янгиликлари билан таништиришади, қишлоқда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ташкил этишда қатнашадилар.

Агар санъат усталарининг қишлоққа ана шундай ташрифлари уюштирилмаганда турмушимиз бунчалик тўзал бўлмасди! Тошкентнинг ижодий коллективлари қишлоқ аҳолисини коммунистик, эстетик тарбиялаш бўйича катта ишлар қилишаяпти. «Ана шундай ажойиб оталиқ ташкилотлари бўлгани қандай яхши» дейишга ҳақлиман.

СЎЗ — ПАХТАКОРГА

Иттифоқимиз мустаҳкам

Мен катта ҳаёт йўлини босиб ўтганман. Эсимни таниганимда ўлкамнинг сувга ташналигини ҳис этган эдим. Мана инсон каналлар қазиди, ташна ерни суғорди. Далаларга турли техника келди. Ҳамма жойда пахта, сабзавотлардан мўл ҳосил олиш ҳақида гап бўлди. Айниқса деҳқонларнинг Ўзбекистон пойтахти билан алоқаси мустаҳкамланди.

Бу дўстликнинг чегараси йўқ. Йилнинг барча фаслларида Оқ олтин районида тошкентликларни учратиш мумкин. Завод ишчилари экиш мавсумида ҳам, терим мавсумида ҳам келиб техникани ремонт қилишда қатнашмоқдалар. Уларнинг бирлари «Миконд» заводидан бўлишса, бошқалари экскаватор ремонти, агрегат ва бошқа заводлардан, 3-автобус паркидан келган ёрдамчилардир. Айниқса терим мавсумини айтмайсизми — районимиз ёшариб кетгандек бўлади. Студентлар келишган бўлади.

Ўтган йили кузда маданият уйида йиғилиш бўлди. Тошкентнинг Собир Раҳимов районидан келган ўртоқ: дала меҳнаткашлари, минглаб тонна пахтангиз учун раҳмат, деди. Тўғрисини айтганда ана шу ҳосил хирмони умумий: ўша пахтани ўн мингдан ортиқ шаҳарликлар териб беришган. Демак ҳамманинг иши ташаккурга лойиқ. Мен ўшанда яна шу нарсани эшитдимки, Собир Раҳимовликлар янги йилда барча қишлоқ хўжалик техникасининг 75 процентини, 12 та дала шийпонини ремонт қилиб беришади. Корхоналар оталиқдаги районнинг машина ва тракторлари учун 100 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ва асбоблар жўнатишади. Машиналарнинг созлиги — катта хирмоннинг гаровидир. Бу ўз навбатида «Ўроқ ва Болға» иттифоқининг мустаҳкамлиги белгисидир.

А. НИҒМАТЖОНОВ,
Сирдарё область, Оқ олтин районидаги Партия XXIII съезди номидаги совхоз пахтакори.

ФАН—ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

Ипакчилик селекциясида саноат усули

Н. К. Кольцов номидаги ривожланиш биологияси институти лабораторияси мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Владимир Струнников раҳбарлик қилаётган олим ва ишлаб чиқариш ходимларидан бир группаси ипакчиликда юқори сифатли пиллаларни оммавий танлаш усулини ишлаб чиққанликлари ва жорий этганликлари учун 1981 йилда фан ва техника соҳасидаги СССР Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

Қишлоқ хўжалигида насл танлашнинг икки хил усули: оммавий ва индивидуал усуллари мавжуддир. Оммавий усулда уруғликка энг яхши ҳосил берган ипак қуртлари танлаб олинади. Бироқ, кейинчалик уларнинг авлодлари маҳсулдорлиги одатда пасайиб боради. Оқибатда яна ўртача наслга айланади. Шунинг учун селекционерлар одатда индивидуал танлаб олишни афзал кўрадилар. Бунда наслга танлаб олинган ипак қуртларининг маҳсулдорлиги юқори бўлишигина эмас, балки унинг авлодлари маҳсулдорлиги ҳам ҳисобга олинади. Бунда уруғ самарадорлиги анча ошади.

Ипакчиликда индивидуал усулда насл танлаб олинганда ипак қурти маҳсулдорлигининг юқори кўрсаткичлари улар хўжаликка боргандан сўнг кескин камайиб кетади. Узоқ вақт буни олимларнинг лабораторияларига қараганда ишлаб чиқариш шароитларида ипак қурти уруғини очириш шароитлари бирмунча ёмонлиги билан изоҳлаб келдилар.

1981 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган ишнинг муаллифлари биринчи марта тажриба йўли билан шуни исботлашдики, ипак қурти маҳсулдорлиги фақат ташқи шароитларгагина боғлиқ бўлмай, балки наслдаги ўзгаришларга ҳам боғлиқ экан. Бу қандай содир бўлади? Селекционерлар хўжаликларга насл уруғларидан жуда оз миқдорда беришар экан. Хўжаликларда бу уруғлар миллиардлаб ипак қурти тайёрлаш учун миллион марта кўпайтирилар экан. Уруғни бундай катта миқёсларда кўпайтирганда анча такомиллашган индивидуал танлаш у ёқда турсин, ҳатто оммавий танлаб олинганда ҳам эҳтиёжни таъминлаш қийин кўчади. Танлаб олинмагандан сўнг, бу энг аввало, бутун наслнинг ипак беришига салбий таъсир кўрсатади, йилдан-йилга маҳсулдорлик камаяди. Тўрт йилдан кейин эса одатдагидек лабораторияда эришилган натижага нисбатан 10 процент камаяди.

Олимлар узоқ ва қизғин илмий изланишлардан кейин ипак қурти наслига пиллани оммавий танлаб олишнинг мураккаб, аммо самарали системасини ишлаб чиқишди. Энг аввало, наслга танлаб олинган пиллаларнинг ҳар бир партияси энг юксак даражада ташқи шароитларда етиштирилган бўлиши шарт. Наслга танлаб олинган пиллаларнинг ҳаммаси ўртача оғирликда бўлиши, айни пайтда ҳар бир партия пиллада ипак толалари салмоғи энг оғир бўлиши керак. Фақат шундай шароитлардагина танлаб олинган пиллаларнинг кейинги наслларидан ҳам юқори ҳосил олинди. Бироқ бу иш назарий жиҳатдан муҳим бўлишига қарамай, бир саволга жавоб бермади. Муаллифларнинг таклифини тажрибада қандай қўллаш мумкин? Ахир, бунинг учун миллионлаб пиллаларни алоҳида-алоҳида тортиб чиқишга, ичидаги қуртларни олиб ташлаб, ипак толаларини тортиб кўришга, уларнинг қанчалик ипакдорлигини ҳисоблаб чиқишга ва шундан сўнггина энг яхши пиллаларни наслга танлаб олишга тўғри келади-ку.

Муаллифлар ихтиро этган ўхшаши йўқ усул пилла ипагини пиллани кесмасданоқ аниқлаш имконини берди. Иккита механизм бир-бирига мослаштирилди. Ипак маҳсулдорлиги бўйича пиллаларни саралайдиган механизм қўл меҳнатига қараганда 50 марта унумлироқдир. Пиллани танлашнинг янги усули ва саралайдиган механизмлар ихтиро сифатида қайд этилди.

60-йиллар ўрталарида Ўзбекистоннинг барча пилла уруғи етиштирувчи станциялари янги технологияга ўтишди. 1969 йилда тўрт йил мобайнида оммавий усулда танлаб олинган уруғлар хўжаликларга берилди. Ўша йилиёқ саноат йўли билан тайёрланган пиллаларда ипакдорлик оммавий танлаш системаси жорий этилгангача бўлган даврга нисбатан ошди; шундан сўнг пиллаларнинг ипакдорлиги ихтиро қўлланилган й и л л а р д а ўртача 11 процентдан ошди. 1980 йилда қўшимча ипак маҳсулоти қиймати тахминан 40 миллион сўмга етди. Ихтиро жорий этилгандан бошлаб эса 173 миллион сўмни ташкил этди. СССРнинг бошқа пилла етиштирадиган республикаларида янги технология жорий этилгандан сўнг унинг иқтисодий самараси икки ҳиссага кўпайди.

Мутахассислар ишлаб чиқилган танлаб олиш принципини бошқа қишлоқ хўжалик экинларига ҳам қўллаш мумкин деб ҳисобламоқдалар.

Н. ДУБАКИНА,
АПН.

Пахтакор ёрдамчиси

Қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатиш марказий институтининг Тошкент филиалида беш йилликнинг иккинчи йили ҳосили учун минерал ўғитларни табақалаштириб солишнинг план-тавсиялари тайёрланди.

Ўзбекистон колхозлари ва совхозларида ҳар йили тупроққа миллион тонналаб минерал ўғит солинади. Улардан омилкорлик билан фойдаланиш нақадар муҳимлиги тушунарли. Бу ўғитларнинг исроф бўлишининг олдини олиш учунгина эмас, балки улардан фойдаланиш юксак самара бериши учун ҳам муҳимдир. Тошкентлик олимлар ўз тавсияларини республика хўжаликларидан келадиган ахборотлар асосида, электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида тайёрлайдилар. Машиналарнинг электрон хотирасига ер хили, тупроқнинг механик таркиби ва тузланиш даражаси, чигитнинг нав хусусиятлари ва бошқа ҳосилдорликка таъсир кўрсатадиган омиллар киритилади. Шу нарса ҳисоблаб чиқилдики, уларни мана шундай илмий асослаб жорий этиш пахтадан олинадиган ҳосилни гектарига 1,5 центнердан оширар экан. Бу йил 1 миллион 200 минг гектар майдонга план-тавсиялар тайёрлаб берилди. Бу ўтган йилдагидан анча кўпдир.

Олдинда филиал ходимларини янги режалар ва планлар кутяпти.

— Ишимизнинг яқин келгусидаги асосий йўналишларидан бири Ўзбекистоннинг барча хўжаликлари тупроғининг тузилиши ва ҳосилдорлиги ҳақида «маълумотлар банкаси» яратишдан иборатдир, — деб ҳикоя қилади тупроқни тадқиқ қилиш лабораторияси мудири Евгений Гаврилович Бессонов. — Бундай маълумотларнинг мавжудлиги, — уларни электрон ҳисоблаш машиналари «хотираларида» сақлайди. — бизга беш йиллик охиригача республиканинг барча хўжаликларини ўғитлардан фойдаланиш бўйича план-тавсиялар билан таъминлаш имконини беради. Биз бундан ташқари далаларга паспорт жорий этиш ниятидамиз. Бу колхоз ва совхозлар ерларининг ўғитга бўлган эҳтиёжини ғоят тўғри аниқлаш имконини беради. Бу эса «ҳосилдорлик витамини»ни жорий этиш самарадорлигини оширади, уларнинг исроф бўлишига йўл қўймайди. Бизнинг ишимизда тупроқдаги заҳарли химикатларнинг қолдиқларини йўқотиш, улардан фойдаланишни тартибга келтириш, ерларни соғломлаштириш ҳам муҳим ўрин тутади.

Н. СЕРГЕЕВ.

Илғор тажрибалар адреси

Муваффақият гарови

Тошкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамиздаги ягона тармоқ корхона ҳисобланади. Бирлашма коллективи ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Савдо тармоқларига планга қўшимча 918 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Еки 80 дан ортиқ маҳсулот тури бўйича кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Шулардан 40 таси янги моделдаги буюмлардир. Ўтган йил давомида 27 хил маҳсулот давлат Сифат белгиси билан тайёрланди. Бу янгиликларни яратишда корхона ихтирочиларининг хизматлари каттадир. Р. Шокиров, А. Алимбоев, Э. Зилиберман, Г. Мустафина, А. Абдураҳмонов каби илғор ишчиларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилган таклифлари туфайли корхона йилига 133 минг сўмдан зиёдроқ маблағни тежаб қоладиган бўлди. Ана шу муваффақиятлар якунига кўра корхонага Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлигининг Фахрий ёрлиғи топширилди.

Бирлашманинг кўп минг сонли ишчилари, инженер-техник ходимлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақага қўшилиб, меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Январь ойи топшириғи муддатидан илгари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 235 минг сўмлик ортиқча кенг истеъмол моллари тайёрланди. Бу меҳнат ютуғига республика касаба союзларининг XII съезди делегати Дилором Аметова, Сожида Очилова, Рая Сурскова, Шоира Ҳолмуҳамедова сингари ўртоқлар етакчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадалари аъзолари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Корхонада беш йиллик илғорлари сафи тобора ортиб бормоқда. Йил охирига қадар 800 ишчи, 2.5 йиллик, 200 ишчи 3 йиллик, 32 ишчи 4 йиллик шахсий топшириқларини бажариш мажбуриятини олиб меҳнат қиляпти. Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати Мамлакат Мўйдинова, шаҳар Советининг депутати Люба Горохова, Женя Антонова, Няна Завулина каби 30 дан зиёд ишлаб чиқариш илғорлари бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббуси билан майдонга чиқиб, шу кунларда 1983 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

— Бирлашмамиз цехлари, бригадалари, сменалари ўртасида ташкил этилган ўзаро социалистик мусобақа ютуқларимизнинг асосий гарови бўлмоқда, — деди корхона касаба союз комитетининг раиси Комил Солиҳов.— Мусобақа ҳар ҳафта ва ойда якунланиб, ғолиб коллективлар, ишчилар кўчма вимпеллар, қимматбаҳо совғалар билан мукофотланиб борляпти. Корхона маъмурияти ишчиларга намунали дам олишлари учун ҳам барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Ўтган йили касаба союз йўлланмаси билан юздан ортиқ киши чет эл сафарларига, турли туристик саёҳатларга, санаторийларга, дам олиш зоналарига бориб келди. Бу йил бу кўрсаткични бир ярим баравар ошириш ниятидамиз. Ишчи-хизматчиларимиз йил давомида корхонамизга бириктирилган санаторий-профилакторийда ўз саломатликларини мустаҳкамлаб борадилар. Корхонамизнинг аҳил коллективи КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, 1982 йилда ўз зиммаларига олган план топшириқларини 25 декабрь куни бажарадилар ҳамда СССР нинг 60 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб оладилар.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Ун биринчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақиятли адо этиб, планга қўшимча 600 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган шаҳримиздаги бадиий буюмлар фабрикасининг коллективи юбилей йилида ҳам зарбдорларча меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: фабриканинг илғор ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Дилбар Ёқубова.

Т. Ҳасанов фотоси.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми хатлар

- КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ.
- БУНЁДКОРЛАР ВАХТАСИ
- ИНСОНИЙЛИККА ДАЪВАТ ЭТУВЧИ КИТОБ
- ГАЗЕТХОНЛАР НЕГА РАНЖИМОҚДА?

Тошкент булка-кондитер комбинати 5-ишлаб чиқариш корхонасининг аҳил коллективи СССРнинг 60 йиллик юбилейига муносиб совға тайёрлаш иштиёқида ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Барчанинг диққат-эътибори сифатли кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган.

СУРАТДА: (чапдан) корхона катта технологи Ёқутхон Абдуллаева ва пряник пиширувчи Марҳабо Ҳошимова тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

Н. Шонноғомов фотоси.

ЛУҚМА

Бепарволик оқибати

Кайковус ариғининг Беруний кўчасидаги «Ғунча» кинотеатри ёнидан 35-поликлиника олдигача бўлган қисми тозаланиб, чиқиндилар ариқ четига олиб ташланганича қолиб кетди.

8 ва 17-трамвайларнинг «Известия» бекати яқинидан эса поликлиникагача чамаси бир километр бўлган асфальт йўлка ётқизилган эди. Кўп қаватли турар-жой бинолари учун котлован қазиётган қурувчиларнинг айби билан тупроқ асфальт йўлкаларга ташланди. Бунинг оқибатида ёғингарчилик кунлари йўлка ботқоқликка айланиб. 35-поликлиника ва болалар касалхонасига ўтиш жуда мушкул бўлиб қолди.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш муассасаларига Беруний кўчаси томонидан бораётганлар ҳам, Уйғур кўчаси томонидан бораётганлар ҳам ноxуш манзаранинг гувоҳи бўлишмоқда. Октябрь райони ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари эса йўлка ва ариқ соҳилларини ораста қилиб қўйишга бош қўшишмаляпти. Улар қачонгача бепарво бўлишади?

Қ. ҚОСИМОВ, Улуғ Ватан уруши ветерани.

КИТОБХОН КИТОБ ҲАҚИДА

Бурчга садоқат

Ёш ёзувчи, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Мирза Каримнинг «Қалбимни очай сизга» тўпламига муаллифнинг «Бургутлар ошёни» ва «Йигит умри» ҳужжатли қиссалари кирган.

«Бургутлар ошёнида» Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириб, улкан пахта хирмони яратаётган реал образлар галереясини кўрамиз. Улар Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Абдусаттор Қурбонов, Жиянқул Рустамов, СССР Давлат мукофоти лауреати Холмўмин Сафаров ҳамда қатор орден-медаллари бўлган чўлқувар пахтакорлардир. Шунинг учун ҳам асар кўп қаҳрамонли.

Муаллиф гапни доим персонажлар таърифидан бошлайди. Бир вақтнинг ўзида уларнинг биографияси билан таништириб, портретларини чизади. Совхоз директори Хайрулла Қиёмовни замонавий партия раҳбари сифатида кўрамиз. У совхоздан чиққан биринчи қаҳрамон Абдусаттор Қурбоновга унвон ноҳақ берилди, деб кўролмасликдан ёзилган юмалоқ хатларни олиб бу масалани пишмасдан ҳал қилади. Хатто буни Расул акадан бошқа ҳеч кимга кўрсатмайди, натижасини кутади..

Қиссада баъзи муаммолар ўртага ташланганки, булар шу кунгача тўлиқ ҳал қилинмаган. Масалан, Чоршанби ота давлат қуриб берган олти хонали уйда ўзи турмай, молини боқади. Бунга сабаб, биринчидан, уйлар плансиз тушган бўлса, иккинчидан, темир-бетондан қурилган. Чўл шароитида бундай уйларда туриш қийин: ёзда иссиқ, галати ҳид чиқса, қишда совуқ бўлади. Ёки мақтаб ўқитувчиси Н. Глушкова шундай дейди:

— Болаларнинг тақдирини ўйлаяпман. Ҳеч бўлмаганда истеъдодли ўқувчиларни олиб келмаганда бўлармиди. Пахтакор районлардаги ўқувчилар масаласи — чўл шароитида биринчи навбатдаги масала бўлиб қолмоқда.

Чўлдаги ўзгаришлар меҳнаткашларнинг бутун имкониятини очиб юборди. Ҳатто улар пахта ишқида уйқуни ҳам тарк этиб, ягона мақсад — тезроқ пахта планини бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб юборишган.

Бироқ Қўзивой сингари шахслар чўлни обрў ва шахсий бойлик орттириш манбаи деб, «катта умидлар» билан бу ерга келган. Кўрадики, иш у ўйлаганчалик бўлмади. Абдусатторнинг қаҳрамон бўлганини эшитгач, Хайрулла Қиёмовичга ва райкомга юмалоқ хатлар ёзади. Бу билан совхоз ҳаётини тўхтата олмаслигини билгандан сўнг «ақли киради» ва директор ҳузурига келиб, бўлимда қолдиришини сўрайди. Уни яна ишга қабул қилишади. Асар шу билан тугайди. Бинобарин ижобий ва салбий персонажлар ўртасидаги конфликт қиёмига етмай, ечим тезлашиб кетгандай туюлади.

Тўпламдаги иккинчи қисса «Йигит умри» Самарқанднинг Ургут районидан Арманистонга ҳарбий хизматга бориб, хавфли маҳаллий жиноятчини қўлга олишда мардларча ҳалок бўлган Баҳриддин Холиқов хотирасига бағишланган. М. Карим Баҳриддинни ҳаётда кўрмаган; фақат газетадан унинг Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланганлиги ни ўқиб, марҳум ҳаётига қизиқиши жараёнида асар ёзади.

М. Карим китобининг бош темаси — бурч. Иккала қиссада ҳам шу мақсад ўз ифодасини топган. «Бургутлар ошёни»даги Абдусаттор, Жиянқул, Холмўминлар шу йўлда шуҳрат қозондилар. Баҳриддин сингарилар уларнинг тинч меҳнат қилиши ва яшаши учун жонларини фидо қилди.

«Йигит умри» ҳужжатли қисса жанрига тўлиқ жавоб беради. Асарнинг ўзагини ҳужжатлар ташкил қилади. Қиссанинг «Суд давом этади» деб номланган қисмини муаллиф Баҳриддиннинг ота-онасига таъзия изҳор қилган одамларнинг хатлари билан тўлдирган. Ҳамма хатларнинг мазмуни бир. Гарчанд, қотил олий жазога ҳукм қилинган бўлса ҳам, бу камдек туюлади, тергов давом этади: ҳаётда текинхўрлар бор экан Баҳриддинга ўхшаш фидоийлар уларга қарши курашаверади.

Хуллас М. Каримнинг ҳужжатли қиссалари ёзувчида ҳалол меҳнат кишиларига ҳурмат уйғотувчи инсоний бурч ҳақида ўйлашга ундовчи китобдир.

Ғиёс НОМОЗБОЕВ.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

БАЙРОҚНИ ҚЎЛДАН БЕРМАЙ

2-уйсозлик комбинатининг 4-қурилиш бошқармасига қарашли Анатолий Пименов бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси СССР нинг шонли 60 йиллиги шарафига ўтаётган ҳафталикларда фаол иштирок этмоқда. Бригада пудрати методи асосида ишлаётган уйсозлар шу кунларда Пушкин кўчасида тўққиз қаватдан иборат 113 квартирали турар жой биносини жадал суръатлар билан бунёд этяптилар.

БУГУН

объектда каркасларни монтаж қилиш ишлари графикдан ярим ой ўзган ҳолда амалга оширила бошланди.

Ҳафталик мусобақаларида смена топшириқларини 25 — 30 процентга ошириб адо этаётган илғор қурувчилар — дурадгор А. Аббосов, пайвандчи Г. Кабановлар пешқадамлик қилишяпти. Бу бунёдкорлар ҳозирда 1982 йилнинг иккинчи ярим йиллиги ҳисобига иш бажаряптилар.

Ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлаган бригада аъзолари мусобақада пешқадамлик қилишиб, ҳозирда шу йилнинг май ойи ҳисобига ишлашяпти. Улар февраль ойида пландан ташқари 2 минг сўмлик иш бажарадилар.

М. ФЕЛЬДМАН.

ҚИЗИҚ БЎЛАРКАН

Октябрь районидаги мактаб ўқувчилари ҳар йили темир-терсак йиғиш мавсумида бундан 4 йил муқаддам 1 ва 19-маршрутли трамвайлар юрган, ҳозир эса қаровсиз қолдирилган йўл атрофида гирдикапалак бўлиб қолишади.

— Эҳ, қанча металл ётибди-я бу ерда, қани энди, олиб кетишни иложи бўлса,— дейишади мактаб ўқувчилари ачиниб.

Мактаб ўқувчиларининг ачинишига сабаб бўлган бу темир излар мана 4 йилдирки, «Бешёғоч» кўчасида занглаб ётибди. Буни қарангки, минг-минглаб тонна металлнинг нобуд бўлаётганлигидан ўқувчилар қайғурса-ю, аммо Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг мутасадди раҳбарлари зигирча ачинишмаса, қизиқ бўларкан.

С. ҒАФУРОВ.

НОН — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

НОН ҚАДРИ

Нон ризқ-рўзимиз, бебаҳо бойлигимиздир. Шу кунларда кўпгина жойларда ноннинг исроф бўлишига қарши қатъий тарзда кураш олиб борилмоқда. Бироқ бу хайрли ишдан четда турган жамоатчилик ҳам йўқ эмас. Худди шундай аҳволни Собир Раҳимов районидаги «Коминтерн» маҳалласида кўришимиз мумкин. Маҳалла комитетининг идораси олдидан ўтадиган арикча ҳар хил чиқиндилар билан тўлиб қолган. Сув юзида эса бутун-бутун оби нонлар, нон бўлаклари сузиб юрибди. Хўш, бу нонларни ким ташлаган? Албатта, ўша маҳаллада яшовчилардир. Шуниси ачинарлики, бу ер жуда гавжум бўлишига қарамай, бирор кимса бу ҳолга жиддий эътибор бермайди. Бўлмаса ўша маҳалланинг активлари, пири-бадавлат қариялари, Тошкент қишлоқ хўжалик ҳунар-техника билим юртининг ўқитувчи ва студентлари ҳар куни бу жойдан ўтади-қайтади. Наҳотки улар оёқлари остида исроф бўлиб ётган нонларни кўришмаса? Кўришади. Фақат ризқ-рўзимизнинг увол бўлиб ётганини ҳис қилиша олмайди.

Қани энди, бу маҳалла активлари, маҳалла аҳли орасида тушунтириш ишларини олиб боришса, нонларни оёқ ости қилаётган кимсаларга қарши жамоатчилик равишда курашса. Юқоридаги ачинарли ҳол юз бермасди. Ахир нонни қадрламоқ ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи-ку!

Қ. ТОШМИРЗАЕВ.

ФОТОАЙБНОМА

ШАҲРИМИЗ ҲУСНИГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

Жонажон шаҳримизнинг замонавий турар жой кварталлари, муҳташам бинолари, ораста хиёбонларини кўриб баҳри-дилингиз очилади. Аммо, афсуски, баъзи ўзбошимчалик билан ром қўйилган, ортиқча буюмлар уюлган, кир осилган балконларни кўриб ранжийсиз. Ушбу суратда Октябрь районининг Беруний кўчасидаги 51 квартирали турар жой биносини кўриб турибсиз. Шу уйда истиқомат қиладиган 20 оила балконларга ўзбошимчалик билан ром ўрнатиб олган. Педагог Н. Кучегарова, инженер А. Абдуллаев, инженер-электрик Г. Капустина, дорихона контролери Н. Лиманская, фаррош Х. Муллагалиева ва бошқалар шулар жумласидандир. Наҳотки улар бу билан шаҳримиз ҳуснига доғ тушираётганликларини билмасалар?

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

Елка қисишади

Акмал Икромов районидаги Ҳ. Абдуллаев кўчасида истиқомат қилувчилар ҳар гал «Газ келди, газ!» деган овозни эшитишлари биланоқ кўчага югуриб чиқишади. Аммо газ идораси ходимлари, «Сизлар буюртма берганлар рўйхатида йўқсизлар» деб кўпчиликнинг қувончига сув сепиб, бир-икки баллонни пуллаб жуфтакни ростлаб қолишади. Маҳалла аҳолиси эса Хондамир кўчасида жойлашган район эксплуатация хизмат кўрсатиш уйига 4-5 марталаб бориб «буюртма» бериб келишган. Аммо газ баллонларини олиб келган газ хўжалик бирлашмаси ходимлари «билмадим» дегандай елка қисишдан нарига ўтишмайди.

Бу ҳол қачонгача давом этади? Бу тўғрида «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари ўйлаб кўришса яхши бўларди.

М. АЗИЗОВА.

Антиқа «усул»

Собир Раҳимов районидаги Сағбон кўчасида жойлашган 2-алоқа бўлимининг хизматчилари янги йилда аҳолига хизмат кўрсатишнинг янги усулини ўйлаб топишди. Энди улар оёқдан ҳориб кунлик газеталарни кунда эмас, ойда тарқатиб, обуначиларни ҳам бу янги хизмат усулига кўниктиришга ҳаракат қилишмоқда. Начора, кишилар, секин-аста кўникишмоқда. Шу жумладан биз ҳам кўника бошладик, чунки бир неча бор бу тўғрида алоқа бўлими хизматчиларига мурожаат этиб ҳеч қанақа натижа чиқаролмадик.

Аммо бу антиқа хизмат усулига райондаги «Союзпечать» агентлиги раҳбарлари нима деркин ё улар ҳам бизга ўхшаб кўникишиб кетармикан?

М. ТОЛИПОВА, Д. ТОЛИПОВА.

Бизга ёзадилар

БУ ҚАНАҚАСИ?

Ҳамма идораларнинг эшигига вивеска осиб қўйилади. Кун тартиби қандай эканлигини киришдаёқ билиб олишингиз мумкин. Бироқ, Собир Раҳимов район «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласидаги омонат кассада бундай эмас.

Гап шундаки, мижозлар омонат кассанинг кун тартибини аниқ билмаганларидан кўп овора бўлишади. Бу ерда «Бугун келинг, эртага келинг», деган баҳоналар кўп. Биз маҳалла аҳолиси, яқин-йироқдаги мижозлар шикояти ўринлимикан деб ана шу омонат кассага ташриф буюрдик. Ҳақиқатан ҳам ўндан ортиқ кишининг омонат касса қачон очиларкин, деб интиқлик билан кутиб турганини кўрдик.

— Битта эълон осиб қўйиш нима деган гап?,— деди улардан бири жиғи-бийрон бўлиб. — Масъулиятсизлик ҳам эви билан-да.

— Қанча одамнинг вақти бекор кетганини қаранг,—дерди иккинчиси. — Шунча одам бекор кетган вақт эвазига қанчалар маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин-ку, ахир.

Шу суҳбатдан кейин роса бир ҳафта ўтгач, яна шу омонат кассага бордик. Яна ўша аҳвол: эски ҳаммом, эски тос.

Омонат касса раҳбарларининг масъулиятсизлиги қачонгача давом этаркин?

Маҳалла аҳолиси номидан:

Ф. НУРИДДИНОВ, А. ҚОДИРОВ, шахсий пенсионерлар.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида студентлар билан шоир ва санъаткорларнинг учрашуви анъанага айланган.

Куни кеча институтда актёр ва артистлар билан қизиқарли «Кулги кечаси» ташкил қилинди. Кечага телеминиатюралар театри ва Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театрининг актёрлари ва хонанда-созандалари ташриф буюришди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Э. Каримов, А. Мирзаева, М. Ихтиёрова, Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Фаёзова ва артистлардан Р. Каримова, Н. Ортиқова, А. Расулов, Р. Маъдиевлар ижро этган интермедия, ҳазил қўшиқ ва рақслар студентларда катта таассурот қолдирди.

Ҳ. ХУШМАТОВ.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ЧАЛА ҚОЛГАН ИШ

Дўмбиробод массивидаги Новза Қозиробод кўчасида Механизаторлар шаҳарчаси жойлашган. Бу ердаги 6, 7, 8, 9, 12-уйларда «Главташкентстрой»га қарашли «Строймеханизация» трестининг ишчи ва хизматчилари истиқомат қилишади.

Бундан икки йил муқаддам бу ерда иссиқлик трубалари ўтказилиши муносабати билан 6 ва 12-уйлар олди кавланиб, йўллар, болалар майдончаси, кишилар кечқурун чиқиб дам оладиган скамейкалар бузиб ташланганди. Қурувчилар аввалига ҳамма иш жойига тушади, деб айтишди. Бироқ ҳамма иш ўлда-жўлда қолиб кетди. Ҳозир 6-уйда истиқомат қилувчилар, болалар поликлиникасига келувчи кишилар тиззадан лойга ботиб ўтишади. Массивдаги аҳволни яхшилаш учун биз «Главташкентстрой»га қарашли 1-уй-жой идораси бошлиғи К. Каримжоновга икки йилдан бери мурожаат қилиб чарчадик. У киши эса ваъдадан нари ўтмаяпти.

З. САТТОРОВА, медицина ҳамшираси.

ШАҲАР МАВЗУИДА

Агар ит сотиб олсангиз...

Бугунги кунда кўпгина шаҳарликлар турли хил зотдор ит ва мушукларни боқишмоқда. Шу билан бирга кўча-кўйда, хиёбонларда, ертўлаларда йўловчиларга кўркиб қараётган итларни ҳам учратиш мумкин. Уларнинг албатта эгалари бўлган. Кейинчалик маълум бир сабабга кўра уларни квартираларидан ҳайдаб чиқариб юборишган. Бунинг натижасида ҳайвонларни боқиш қоидаларига амал қилмаслик юз бермоқда. Уларни кўпайтириш ва боқиш қоидаларига амал қилмаслик туфайли микрорайон, кўча, майдонларнинг санитария ҳолати ёмонлашмоқда, турли хил касалликларнинг тарқалишига сабаб бўляпти.

Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ободонлаштириш ва санитария Қоидаларида бу ҳақда аниқ ёзиб қўйилган. Итлари бўлган гражданлар ва ташкилотлар ҳар йили январь-июнь ойларида уларни аҳоли турар жойларидаги ветеринария шифохоналарида кўрикдан ўтказишлари керак. Бироқ, бу қоидага ҳамма ҳам амал қиляпти деб бўлмайди. Турар жой ташкилотларининг ходимлари бу масалани назорат қилишга етарли эътибор беришмаяпти.

Итларни сотиб олиш масаласи ҳам оддий масалалардан эмас. Кўп кишилар кучукларни сотиб олиш ниятида бозорга боришади. Уларнинг саломатликларини билмаган ҳолда сотиб оладилар. Уйда ана шундай инсоннинг тўрт оёқли дўсти пайдо бўлиши ёмон оқибатларга олиб келади. Шу боисдан ҳам итларни сотиш, сотиб олиш, кўргазмаларга олиб боришда албатта регистрация ва ветеринария ҳужжатлари бўлиши лозимлигини унутмаслик керак. Бу ҳужжатларда ҳайвонларнинг саломатликлари ҳақида маълумотлар бўлади. Бироқ, Тезиков бозорида ўтказилган рейд натижаси бунинг аксини кўрсатди. Санитария милицияси вакиллари томонидан 8 қоидабузар аниқланди. Улар кучукларни ҳеч қандай ҳужжатсиз сотишаётган эди. Шу боисдан ҳам агар ит сотиб олиш ниятида бўлсангиз, хизмат итлари ва турли хонаки итлар жамиятига мурожаат қилишингиз лозим.

Ўтказилган рейд натижалари шуни кўрсатдики, айрим шаҳарликлар ҳайвонларни сақлашнинг санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига амал қилишни ўзларига лозим топмайдилар. Уларнинг қаторида Ново-Ульяновский кўчасидаги 102-уйда турувчи В. Панфилов, Ипподромний кўчасидаги 34-уйда яшовчи Р. Тальатов, Ш. Руставели кўчасидаги 106-уйнинг 13-квартирасида яшовчи С. Косих, Чилонзор массиви 2-квартали 63-уйнинг 11-квартирасида турувчи С. Кужавин ва бошқалар бор.

Кўчалар, хиёбон, боғлар боғлари ва жамоат жойларидан ўтиб бораётганимизда кўп ҳолларда ўз итларини занжирсиз, нўхтасиз айлантириб юрган кишиларни кўрамиз. Ваҳоланки, бундай хатти-ҳаракат қонун билан тақиқланганини улар билишади. Итларни кўчага чиқариб юбориш бутунлай мумкин эмас. Қорақамиш, Қорасув, Қўйлиқ массивларида ана шундай фактларга дуч келиш мумкин. Ваҳоланки, бу ерларда участка милиционери фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳам, бошқа кишилар ҳам тартиббузарликни кўрмаганга ўхшаб ўтиб кетишяпти. Фақат январь-февраль ойида 240 протокол тузилиб, улар район ижроия комитети маъмурий комиссиясига кўриб чиқиш учун юборилди.

Дайди итлар кўп ҳолларда ертўла, қурилиш, корхоналарнинг территорияларидан жой топишади. Мутасадди ташкилотларнинг коллективлари фактлар ҳақида хабар қилиш ўрнига дайди итларни боқиш билан шуғулланадилар. «Главмашснабсбыт», ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси, «Узспецстройтрест», Куйбишев ошхоналар трестининг 1-ошхонасида ана шундай тартиббузарликлар аниқланди.

Ҳа, ит инсоннинг дўстидир. Бироқ, кўчага ҳайдаб чиқариб юборилган ит жуда кўп кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам ҳайвонларни боқиш ва асраш қоидаларини бузаётган кишиларга нисбатан қатъий чора кўриш вақти етди. Корхоналарнинг, маҳалла комитетларининг коллективлари, ЖЭКлардаги жамоатчилар бу масалага жиддий эътибор беришлари керак.

Т. ХОШИМОВ, Давлат бош ветеринария инспектори.

М. ЖЎРАЕВ, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бўлимининг бошлиғи.

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Х. АБДУВАҲОБОВА: Мен олти боланинг онасиман. Учинчи синфда ўқийдиган қизим Саидахон ашула айтишга жуда қизиқади. Шаҳримизда ашула айтишни ўргатадиган тўгараклар борми?

Жавоб: Ҳадра майдони яқинидаги Фурқат кўчасида шаҳар Пионерлар саройи жойлашган. Бу ерда ўндан ортиқ тўгараклар пионер ва ўқувчилар хизматида бўлмоқда. Сиз ана шу сарой маъмуриятига учрашинг.

⁂

Т. НУЪМОНОВ: Мен Тошкент халқ хўжалиги институтининг кечки курсида ўқийман. Шоферлик касбини қандай қилиб ўрганишим мумкин? Шу ҳақда билишни истардим.

Жавоб: Ўзингиз истиқомат қилиб турган Киров районидаги автомобиль ҳаваскорлар жамиятига учрашинг. У ерга мурожаат қилиб аъзо бўлганингиздан кейин районингиздаги ДОСААФ клубларининг автомобиль мактабларидан бирида шоферлик бўйича ўқишингиз мумкин.

⁂

К. БЕРДИЕВ: Икки йилдирки прокатга олган телевизорнинг ҳамма пулини тўлаб бўлмоқдамиз. Энди бу телевизор бизники бўлиб қолиши мумкинми?

Жавоб: Шаҳримиздаги прокат пунктларидан прокатга олинган ҳар бир буюм учун белгиланган муддатда ҳақ тўлаб туриш шарт. Ундан фойдаланаётган ҳар бир ҳамшаҳримиз телевизор ёки бошқа буюмни белгиланган муддатда қайтариб бериши ёки чўздириши учун яна ҳақ тўлаши керак. Прокатга олинган ҳар бир буюм учун қанча тўланишидан қатъий назар албатта, қайтариб берилади.

⁂

Х. СУЛАЙМОНОВ: Бизнинг «Унитра» маркали магнитофонимиз анчадан бери бузилиб ётибди. Шунга ўхшаш магнитофонларни қайси устахонада тузаттиришимиз мумкин?

Жавоб: Чилонзор массивидаги Пионер кўчаси 27-уйда шаҳар «Зангори экран» ательеси жойлашган. Ана шу ателье қошида йирик устахона аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

⁂

Р. ЖЎРАЕВ: Яқинда Марказий Универсал магазинидан фотоспишка сотиб олган эдим. Шуни қаерда тузаттирсам бўлади?

Жавоб: Марказий Универсал магазини ёнида маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчаси жойлашган. Ана шу ерда бир қанча устахоналар ва фотоаппаратларни тузатадиган устахона мавжуд. Сиз шу ерга мурожаат қилинг.

⁂

А. РАҲИМОВ: Мен яқинда «Спутник» маркали велосипед сотиб олган эдим. Шу бузилиб қолди. Уни қаерда тузаттирсам бўлади?

Жавоб: «Металлобитремонт» комбинатига қарашли устахоналарнинг кўпчилик пункти шаҳримиз бозорларида жойлашган. Сиз Госпиталь ва Олой бозорларида жойлашган устахоналарга учрашинг.

⁂

А. САВАЕВА, З. МИРХАЛИЛОВА: Яқинда бўйинга тақадиган тилла занжир сотиб олган эдик. У брак экан, шуни бирор устахонада тузаттирса бўладими?

Жавоб: Весна кўчаси 223-уйда «Техслужбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси жойлашган. Сиз ана шу устахонанинг заргарлик бўлимига мурожаат қилинг.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 19/II да **Инқилоб тонги**, 20/II да **Қиёмат қарз**, 21/II да **Келинлар кўзголони** (12.00), **Кузнинг биринчи куни** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/II да **Ёшликда берган кўнгил**, 20/IIда **Ишонмасанг ўлдиман**, 21/II да **Хотинимнинг эри**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА— 19/II да **Ишқ қурбонлари**, 20/II да **Хотинлар дастидан дод**, 21/II да **Отасининг қизи**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— янги программа. «ПАҲЛАВОН ВА ШЕР» аттракциони.

КИНО

19 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИНСОН БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.

«ГРУЗИЯ—ОЛГА ВА ЮКСАЛ!»— Москва.

«САБАНТУЙ ТОМОН ЙЎЛ» — Фестиваль.

«МАВЛУДА» — Искра.

«ЎЗИНГ ҲАҚИНГДА ҲИКОЯ ҚИЛ, ДАЛА» — Нукус.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЛАМНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ» —Лисунов номли (тоқ соатларда). Искра (16, 18, 20.00).

«БУТУНЛАЙ АКСИ» — Тинчлик (жуфт соатларда).

20 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«РАИС» — Қозоғистон.

«ГРУЗИЯ— ОЛГА ВА ЮКСАЛ!» — Москва.

«САБАНТУЙ ТОМОН ЙЎЛ» — Фестиваль.

«МАВЛУДА»— Искра.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЛАМНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ» — Лисунов номли (тоқ соатларда) Искра (16, 18, 20.00).

«БУТУНЛАЙ АКСИ» — Тинчлик (жуфт соатларда).

«МЕХАНИК ГАВРИЛОВНИНГ МАҲБУБАСИ» — ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли (жуфт соатларда).

АЁЛЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИДА

19 —20 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ

Тошкент шаҳридаги 2-пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган хотин-қизлар оёқ кийимларининг

Савдо-кўргазмаси ўтказилади

САВДО КЎРГАЗМАСИДАН СИЗ САЛҚИН БАҲОР ҲАВОСИ ҲАМДА ЁЗ КУНЛАРИ УЧУН МОДЕЛЛИ ҚУЙИДАГИ ПОЙАФЗАЛЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

Баҳорги **ТУФЛИЛАР, ЭТИКЛАР,** полиуретан тагчармли **БОСОНОЖКАЛАР;**

Ҳар хил моделли ва турли хил рангдаги полиуретан таг чарми баланд пошнали «САБО»лар; **ПАНТАЛЕТЛАР.**

Савдо марказининг адреси: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 53-уй (2, 3, 54, 57, 58, 80-автобуслар; 6, 11, 13, 15-троллейбуслар: 4, 7, 9, 11, 24-трамвайларнинг «Театральная майдони» бекати).

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ
соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

19 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «ВОСТОК» программаси

18.30 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар. 10 км. Норвегиядан олиб кўрсатилади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 И. Брамс. И. Гайди мавзуларига ёзилган вариациялар. Венгрия радиосининг оркестри чалади. Дирижёр — Г. Рихтер (ГФР). 19.50 «Фан оламида». 20.20 «Бир рейслик шофёр». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 Останкино концерт студиясида ёшлар кечаси. Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, қўшиқчи Дин Рид иштирок этади. 23.50 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Халқ оҳанглари». 19.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.00 «Комсомольская правда» газетасининг совғини учун сувга сакраш бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари Минскдан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Жойида ҳал этилмоқда». 3-кўрсатув. «Омма билан алоқани мустаҳкамлаб боринг». 21.30 «Время». 22.05 «Композитор Глинка». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Кўғирчоқбоз». 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари». 19.00 КПСС Марказий Комитети (1981 йил) ноябрь Пленуми қарорлари— ҳаётга. Андижон ёг-мой комбинати. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Ҳажвона бувининг эртаклари». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 20.00 «Дунё воқеалари». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Мўъжизалар оламида». Фильм-концерт. 21.30 «Москва. «Время». 22.05 Қурултой залидан репортаж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорлари қурултой қатнашчилари учун концерт. В. И. Ленин номли ССРИ Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

20 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 «Время» 9.40 «Ўсмирлар ижоди». 10.10 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.40 «Бир рейслик шофёр». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.50 «Спортлото»нинг 8-тиражи. 12.00 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 12.30 Концерт. 12.50 «Қўёш хазинаси» 13.35 «Бўрон ўғли». Эстония халқ ёзувчиси Ю. Сумуул ҳақида. 14.20 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. РСФСР ашула ва рақс ҳамда халқ рақс ансамбларининг концерти. 15.30 «Дунё воқеалари». 15.50 «Қиш тонғи». Болалар учун бадиий фильм. 17.15 «Ҳайвонот оламида».

18.15 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 18.45 Янги мультфильмлар программаси. 19.20 «Зарипов йигитлари». Фильм-концерт. («Ўзбектелефильм»). 19.45 «Инсон, Ер планетасини қутқар!». Ҳужжатли фильм премьераси. Планета прогрессив кучларининг янги жаҳон уруши хавфига қарши курашн тўғрисида. 20.15 «Қизил майдон». Бадиий фильм. 1-серия. «Комиссар Амелин». 21.30 «Время». 22.05 «Қизил майдон». Бадиий фильм. 2-серия. «Дивизия бошлиғи Кутасов». 23.15 УССР халқ артисти Ю. Богатиков куйлайди. 00.10 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.00 «Музикали киоск». 18.30 Халқаро обзор. 18.45 «Бу Нарва заставаси ортида бўлган эди.» Г. Свиридов. Оперетгаси асосида телевизион музикали фильм. 20.00 «Эрмитаж». Германия санъати. 15-фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.50 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. Икки кураш. 15 километрга пойга. Норвегиядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Е. Сорокина ва халқаро конкурс лауреати А. Бахчиев чалади. 22.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Сокол» — «Спартак». Киевдан олиб кўрсатилади. 2-3 даврлар. Танаффус пайтида ва кўрсатув тугагач — Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. «Крилатское» спорт комплексидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Тулки Лариска қандай қилиб хазина излади». «Терем-теремок» мультфильмлар. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.10 «Ислом ҳимоячилари»нинг ташвиқий диверсияси. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Юсупов сўзи. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VII Тошкент халқаро кинофестивали олдидан. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рақс оҳангида». Маъмура Эргашева. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Ринг» бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг «2-пардозлаш» трести базасидаги

63-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қурилиш бўёқчиси, электрпайвандчи, дурадгор.

Ҳамма ихтисосликлар бўйича ўқиш муддати 6 ой.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларининг ўртача бали 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 75 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 50 процента берилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокал-чолғу ансамбли ва миллий чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари доимо ишлайди.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

ЎҚИШГА 8 — 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, соғлиги тўғрисида справка, маълумоти тўғрисида ҳужжат, паспорт, 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар жойларидан пропискадан ўчишлари, билим юрти ётоқхонасига пропискадан ўтишлари ҳамда ўзлари билан шахсий учет карточкаси, ВЛКСМ аъзолиги учет карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Шайхзода кўчаси, 1«а»-уй (3, 32, 54-автобусларнинг «26-квартал», 4, 9, 17-трамвайларнинг «Ширин» магазини» бекатлари. Телефон — 76-27-56.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти қошидаги

9-ПОЛИГРАФЧИЛАР БИЛИМ ЮРТИНИНГ ФИЛИАЛИ қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қўлда ва машинада ҳарф терувчилар, юқори, чуқур ва ботиқ босма печатниклари, муқовачилар.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

Ўқишга ўрта маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ҳар ойда ўқувчиларга 70 сўм ҳажмида стипендия берилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан, кейинчалик турар жой ва Тошкент шаҳрида доимий прописка билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1982 ЙИЛ 1 МАРТДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишни аъло баҳолар билан тугатганларга полиграфия олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона ва 4х6 см. ҳажмидаги 2 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (шанба ва якшанбадан ташқари) **СОАТ 9.00 дан 17.00гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНИКУМИ

1982 йилда техникумнинг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларига кирувчилар учун очилган

3 ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Тайёрлов курсларида машғулотлар техникумнинг қуйидаги филиалларида ўтказилади:

«ТАШСЕЛЬМАШ» заводи қошида— Сельмаш кўчаси, 6-уй.

ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ қошида — «Ташавтомаш» массиви,

«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» заводи қошида— Ш. Руставели кўчаси, 53-уй.

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» заводи қошида— Ж. Обидова кўчаси, 2-уй.

Курсларга 8— 10-синф ҳажмида маълумотлилар ҳамда кундузги умумтаълим мактабларининг 8— 10-синф ўқувчилари қабул қилинади.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

Ўқиш группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, техникум директори номига ёзилган ариза.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети

182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электрпайвандчи, дурадгор, бўёқчи.

УҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ

БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ВА СОВЕТ АРМИЯСИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртини битирганларга диплом берилади, улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

10- синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар.

Совет Армиясида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар 60 сўм стипендия оладилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақининг 50 процента билан таъминланадилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганларга «Таштрактордетстрой» трестига ишга йўлланма берилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона сурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма).

Қабул комиссияси ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4- уй, (17- автобуснинг «12- турар жой шаҳарчаси». 13-трамвайнинг «Шимолий Шарқ массиви» бекати). Телефон 64-18-41.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

40-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚИСҚАРТИРИЛГАН 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

минорали кран машинистлари, экскаватор машинистлари, бульдозер машинистлари, автокранчилар («с» категорияли шофёрлик ҳуқуқи билан).

БИЛИМ ЮРТИГА 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ХИЗМАТИНИ ЎТАБ КЕЛГАН ЙИГИТЛАР ҲАМДА ҚИЗЛАР (минорали кран машинисти касбига) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қабул қилинганлар 75 сўм стипендия ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида маошнинг 50 процента билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан тугатган ўқувчилар ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма оладилар ва кириш имтиҳонларида имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юрти қошида вокал-чолғу ва халқ чолғу ансамбллари, турли спорт секциялари, рассомлик, фото ва техника ижоди тўгараклари мунтазам ишлаб туради.

Ўқиш группалар комплектлаштирилганидан сўнг бошланади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт, аттестат (гувоҳнома), 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (дам олиш кунидан ташқари) **соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги адресда қабул қилинади:** Тошкент шаҳар. Луначарский шоссеси, 69-уй (1, 1«э», 4, 17«э», 24«э», 102, 63-автобусларнинг «М. Горький» метро станцияси, 17, 18-троллейбуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекатлари).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ГРАЖДАНЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область матлубот жамиятининг область тайёрлов-сотиш базаси

Тошкент шаҳар ва Тошкент областининг унга яқин жойлашган районлари аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида

отлар, йирик ва кичик шохли қора моллар, чўчқалар, уй паррандаларн ва қўёнларни чекланмаган миқдорда сўйиш учун

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МОЛЛАРНИ СЎЙИШ ҚУЙИДАГИ ПУНКТЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

Марказий пункт— айланма йўл бўйлаб Назарбек кўпригидан ўтганда;

Октябрь районида: — Лангар кўчаси, 12-тупик, 6-уй. Қорасарой кўчаси, 127-уй.

Молларни сўйишга олиб келиш ва сўйилган молларни уйга элтиб бериш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Молларни мол сўйиш пунктларида сўйганлик учун мол терисн қийматига қўшимча 7 процент ҳақ тўланади.

Ушбу адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Саъдий кўчаси, Прохладный проезди. 2-уй (18-автобус, 15-троллейбуснинг «Ўзгариш» бекати). Телефонлар: 53-10-33, 53-10-24.



«ЮНУСОБОД» ТУРАР ЖОЙ МАССИВИДА (Б—1 КВАРТАЛИ)

БАЛИҚ КОМПЛЕКСИ ОЧИЛГАН

«БАЛИҚ» комплекси балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотиш бўйича ихтисослаштирилган йирик савдо корхоналаридан бири. У аквариумни эслатувчи замонавий бинога жойлашган. Рангли витражларда эртаклардаги қушлар, балиқлар, денгиз подшоси акс этган... Ички хоналарни безашда мармар, рангли кошинлардан фойдаланилган.

Комплексга тирик ва музлатилган балиқ билан, балиқ маҳсулотлари билан савдо қиладиган магазин, «КУЛИНАРИЯ» балиқ таомлари кафеси киради.

Кафеда сизга турли-туман балиқ таомларини — салатлар, қайнатилган ва димланган балиқ, қиймали шўрвалар; иккинчи таомлардан — «Нептун» шницелини, «Нежность» котлетини, ленинградликлар усули бўйича қовурилган балиқни тавсия этадилар.

Кафе эрталаб соат 10 дан 20.00 га қадар ишлайди.

«КУЛИНАРИЯ» магазинининг пештахталарида турли-туман балиқ масаллиқлари: бутунлигича дўлма солинган ва бўлакларга бўлинган балиқ, майдаланган, қиймалагичдан ўтказилган балиқлар, котлетлар, тефтели бор. Бу ердан сиз тайёр кулинария маҳсулотларини— димланган балиқ, балиқли пирог, балиқли бутерброд, севрюга харид қилишингиз ҳам мумкин.

БАЛИҚ КОМПЛЕКСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

У ерга 51, 72-автобусларда, 25, 28-трамвайларда бориш мумкин («Универсам» бекати).

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

«Ташкомиссионторг» коллективи 6-универсал комиссион магазини директори Б. Ашурбоевга отаси

Абдуҳолиқ АШУРБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-84; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

19 ФЕВРАЛЬ, 1982 й. Р—13071. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В—2199. ИНДЕКС 64690